



# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJON VILOYATI HOKIMINING QARORI

## Andijon shahar, Abdurauf Fitrat ko‘chasi 239-uy

2021 - yil 16 - oktabr

100-1-0-Q/21

Andijon viloyati hokimligi

### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги 576-сонли қарори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги “Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали уй-жой фондини 2021/2022 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 576-сонли қарори ижросини вилоятда таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-, 25-моддаларига асосан

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги “Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали уй-жой фондини 2021/2022 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 576-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5048-сон қарорига мувофиқ жорий йилда барча туман ва шаҳарлардаги жами 7 794 та қишлоқ ва маҳаллаларда умумий қиймати 20,8 трлн. сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2021 йил 19 июндаги ПҚ-5152-сонли қарорига мувофиқ:

2021 йил 1 июлдан бошлаб кўп квартирали уй-жойларни мукамал ва жорий таъмирлаш ишларини молиялаштириш мазкур уй-жойларни таъмирлаш ишлари умумий смета қийматининг:

30 фоиз миқдордаги маблағлар мулкдорлар ҳисобидан;

70 фоиз миқдордаги маблағлар тенг улушларда Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилиши;

жорий йилда кўп квартирали уй-жойларни мукамал ва жорий таъмирлаш учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан 100 млрд сўм ажратилганлиги;

кўп квартирали уй-жойларда истикомат қилувчи, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан олиб бориладиган “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга мажбурий бадални тўлаб бериш учун “Темир дафтар”га киритилган оилаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини молиялаштириш манбалари, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” жамғармалари ҳисобидан субсидия ажратилиши белгиланганлиги;

кўп квартирали уйлардаги аҳолининг яшаши учун қулай ва хавфсиз шарт-шароитлар яратиш ҳамда авария ҳолатларининг олдини олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ҳудудларда жорий йил якунига қадар 2000 дан ортиқ фойдаланиш муддати ўтган лифтларни янгисига алмаштириш ҳамда таъмирга муҳтожларини мукамал таъмирлаш ишлари амалга оширилаётганлиги;

ҳалқаро молия институтлари ва Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг 2,5 трлн сўм маблағлари ҳисобидан Андижон, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хоразм, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрининг иссиқлик тизими модернизация ва реконструкция қилинаётганлиги;

Қорақалпоғистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари ҳузурида Кўп квартирали турар жой фондини таъмирлаш жамғармалари ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

### 3. Қуйидагилар:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳудудларнинг секторлари раҳбарлари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини қуйидагилардан бошлашлиги:

республика аҳолисини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун барча ҳудудларда мақбул нархларда озиқ-овқат ярмаркаларини ташкил этиш;

“Темир дафтар”ларга киритилган оилаларга кўмир, суюлтирилган газни ўз вақтида етказиб бериш ва болаларни иссиқ кийим-кечак билан таъминлаш;

олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларда ҳамда сел келиши оқибатида йўллар талафот кўриши эҳтимоли мавжуд қишлоқ (овул)ларга кўмир ва суюлтирилган газ ҳамда камида 15 — 20 кунга етадиган асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини яратиш;

б) Аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун қуйидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан тенг улушларда амалга оширилиши:

марказлаштирилган манбалар ҳисобидан ташқи иссиқлик таъминоти модернизация қилинаётган кўп квартирали уй-жойларнинг ички иситиш тизимларини қайта тиклаш;

кўп квартирали уйларнинг ташқи санитария-гигиеник узеллари талаб даражасида бўлмаганларининг ҳолатини яхшилаш;

жорий мавсумдан бошлаб келгусида Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг маблағлари ҳисобидан кўп квартирали уй-жой фонди ва туташ ҳудудларни таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини молиялаштириш қатъий равишда Кўп квартирали турар жой фондини таъмирлаш жамғармалари орқали амалга оширилиши

белгилаб қўйилганлиги;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига — иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали уй-жой фондини 2021/2022 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича параметрлар ва чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясига — кўп квартирали уй-жой фондини куз-қиш даврига тайёрлаш, жумладан, уларни таъмирлаш ва ички муҳандислик-коммуникация тармоқларини соз ҳолатга келтириш билан боғлиқ ишларнинг сифатли ташкил этилишини назорат қилиш;

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясига — ичимлик сув таъминоти ва оқова сув объектларини куз-қиш даврига тайёрлаш ишларининг пухта ва сифатли бажарилишини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасига — ижтимоий соҳа объектларидаги иситиш қозонлари ва уларнинг иссиқлик тармоқларини куз-қиш даврига тайёрлаш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ишларининг хавфсизлигини белгиланган тартибда таъминлаш;

“Ўзнефтьгазинспекция” ва “Ўзэнергоинспекция”га — куз-қиш даврида аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газни узлуксиз етказиб бериш бўйича белгиланган параметрлар бажарилишини ҳамда истеъмолчилар томонидан энергия ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланилишини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятлар вазирлигига — кўп квартирали уйларни куз-қиш даврига тайёрлаш жараёнида дудбуронлар ва вентиляция тизимларини таъмирлаш, изоляция қилиш ҳамда тозалаш ишларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини назорат қилиш юзасидан шахсий жавобгарлик юкланганлиги;

г) Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали турар жой фондини 2021/2022 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар [1-иловага](#) мувофиқ тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан тасдиқланган иловаларнинг Андижон вилоятига тегишли қисми куйидаги иловаларга мувофиқ тасдиқлансин:

Андижон вилояти иқтисодиёти тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали турар жой фондини куз-қиш мавсумида барқарор ишлашга тайёрлаш ишларининг йиғма параметрлари [2-иловага](#) мувофиқ;

Андижон вилояти иқтисодиёти тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали турар жой фондини куз-қиш мавсумига тайёрлаш учун йўналтириладиган маблағлар ва уларнинг манбалари [3-иловага](#) мувофиқ;

Андижон вилоятидаги кўп квартирали турар жой фондини мукамал ва жорий таъмирлаш параметрлари [4-иловага](#) мувофиқ;

Худудларда ташқи санитария-гигиеник узеллари талаб даражасида бўлмаган кўп квартирали уйларнинг санитария-гигиеник ҳолатларини яхшилаш параметрлари [5-иловага](#) мувофиқ;

Андижон вилоятида иссиқлик таъминоти объектлари ва ускуналарини куз-қиш мавсумига

тайёрлаш параметрлари 6-иловага мувофик;

Андижон вилоятида ичимлик сув таъминоти объектлари ва ускуналарини куз-қиш мавсумига тайёрлаш параметрлари 7-иловага мувофик;

Андижон вилоятида электр тармоқлари ва қурилмаларини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш параметрлари 8-иловага мувофик;

Андижон вилоятида газ таъминоти объектлари ва қурилмаларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш параметрлари 9-иловага мувофик;

Андижон вилояти бўйича куз-қиш мавсумида аҳолига суюлтирилган газ етказиб бериш параметрлари 10-иловага мувофик;

Андижон вилоятида ижтимоий соҳа объектларини мукамал ва жорий таъмирлаш параметрлари 11-иловага мувофик;

Андижон вилоятида куз-қиш мавсуми учун кўмир маҳсулотлари захирасини яратиш параметрлари 12-иловага мувофик;

Андижон вилоятидаги ижтимоий соҳа объектларига куз-қиш мавсуми учун кўмир маҳсулотлари етказиб бериш параметрлари 13-иловага мувофик;

Андижон вилоятининг олис ва бориш қийин бўлган қишлоқ (овул)ларда кўмир, суюлтирилган газ ва асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини яратиш параметрлари 14-иловага мувофик;

Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали турар жой фондини 2021/2022 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича Андижон вилояти комиссияси (кейинги ўринларда — вилоят комиссияси) таркиби 15-иловага мувофик тасдиқлансин.

#### 5. Шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари:

бир ҳафта муддатда ҳар бир шаҳарлар ва туманларда вилоят комиссияси таркибига киритилган бошқарма ва ташкилотларнинг ҳудудий филиаллари раҳбарларидан иборат ҳудудий ишчи гуруҳлар ташкил этсин ва улар томонидан амалга ошириладиган ишлар маҳаллалар кесимида белгилаб берилсин;

ҳар бир шаҳарлар ва туманлардаги маҳаллаларда халқ билан мулоқот тарзида ўтказиладиган учрашувларда мазкур қарор билан куз-қиш мавсумига тайёргарлик ва уни талофотсиз ўтказиш бўйича белгилаб берилган параметрларнинг бажарилиши юзасидан аҳолига ҳисобот бериб бориш тизимини йўлга қўйсин.

ҳудудий ишчи гуруҳлар аъзоларига қишлоқ аҳоли пунктлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали уй-жой фондини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича белгиланган параметрлар ва чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

6. “Андижон ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ (А.Жўраев), “Худудгаз Андижон” ГТФ (Д.Салоҳиддинов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Э.Каримов), шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари масъул хўжалик бирлашмалари билан биргаликда:

электр ва табиий газ қурилмаларини таъмирлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқарувчи ташкилотларга ёқилғи ресурсларини узлуксиз етказиб

бериш чораларини кўрсин;

аҳолига, ижтимоий соҳа объектларига, бошқа тоифадаги истеъмолчиларга зарур миқдорларда энергетика ресурсларини етказиб бериш бўйича мунтазам равишда “маҳаллабай” тизимида ўрганишлар олиб бориб, ажратилган ресурсларни етказиб бериш чораларини кўрсин.

7. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Турсунов, вилоят ҳокимининг ўринбосари И.Холматов, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари:

вилоят молия бош бошқармаси билан биргаликда ушбу қарорнинг 5-иловасидаги белгиланган тадбирларнинг лойиҳа-қидирув ишлари харажатларини маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан 2021 йил 1 ноябрга қадар молиялаштирсин;

куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни талофотсиз ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан Республика комиссиясига кунлик маълумот тақдим этиб борсин;

куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни талофотсиз ўтказиш юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ҳисобот бериб борсин ҳамда маҳаллий телевиденияларда ҳар ойда “очик мулоқот” ҳамда брифинглар ўтказиб борилишини таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Турсунов, вилоят ҳокимининг ўринбосари И.Холматов-йиғин зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими**



**Ш.Абдурахманов**

Андижон вилоят ҳокимининг  
2021 йил 16 октябрдаги  
100-1-0-Q/21-сон қарорига  
1-илова

**Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали уй-жой фондини  
2021/2022 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича**

**КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
			Вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари	Вазирлар Маҳкамаси
<b>I. Ташкилий чора-тадбирлар</b>				
1.	2021/2022 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича ҳудудларни «қизил», «сарик» ва «яшил» ҳудудларга ажратиш. Бунда, аҳоли пунктларини «қизил» ҳудудга киритишда электр энергияси ва табиий газ таъминотида муаммолар мавжуд, уй-жой мулкдорлари ширкатларининг моддий-техника базаси ва молиявий ҳолати «оғир», Халқ қабулхоналарига коммунал хизматлар юзасидан кўплаб мурожаатлар тушган, шунингдек, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлар назарда тутилади.	Бир ҳафта муддатда	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Энергетика вазирлиги, («Худудгазтаъминот» АЖ, «Худудий электр тармоқлари» АЖ билан биргаликда)	Ш. Абидов, А. Жуманазаров
2.	Шаҳарлар, туманлар ва аҳоли яшаш пунктларида: ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, шу жумладан, коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларининг иссиқлик таъминоти қозонхоналари, муҳандислик-коммуникация объектлари ва жиҳозларини таъмирлаш; истеъмолчиларга суюлтирилган газни (овқат пишириш учун) барқарор етказиб бериш, шунингдек, чекка ҳудудларда яшовчи аҳолини ичимлик сувининг муқобил манбалари (шу жумладан, ташиб келтириладиган сув) билан таъминлаш бўйича масъул ижрочилар ва бажариш муддатларини аниқ белгилаган ҳолда чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	2021 йил 1 октябрга қадар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар	Ш. Абидов, А. Жуманазаров

3.	Иқтисодиёт тармоқларини 2021/2022 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш билан боғлиқ бўлган газ конденсати, суюлтирилган газ, кўмир, техник туз ва бошқа юкларни етказиб бериш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	2021 йил 1 октябрга қадар ва мавсум давомида	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, («Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, «Худудгазтаъминот» АЖ, «Ўзбеккўмир» АЖ билан биргаликда)	Ш. Абидов, А. Жуманазаров
4.	Маиший газдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	2021 йил 1 октябрга қадар ва мавсум давомида	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, <i>(Энергетика вазирлиги «Ўзтрансгаз» АЖ, «Худудгазтаъминот» АЖ ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан биргаликда)</i>	А. Жуманазаров, Х. Бердибаев
5.	Ишлаб чиқариш ва етказиб бериш балансини ҳисобга олган ҳолда 2021 йил октябрь ойидан 2022 йил апрель ойига қадар бўлган давр мобайнида улгуржи истеъмолчилар ва аҳолига табиий газ етказиб бериш бўйича келишилган ойлик жадвални ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	2021 йил 1 октябрга қадар	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари <i>(«Ўзтрансгаз» АЖ, «Худудгазтаъминот» АЖ билан биргаликда)</i>	А. Жуманазаров
<b>II. Ёқилги-энергетика мажбурасини барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар</b>				

6.	Асосий ва йирик муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳамда технологик ускуналарни мукамал ва жорий таъмирлаш, жумладан 73 430,6 км электр узатиш тармоқлари ва 28 171 та трансформатор пунктларида таъмирлаш ишларини амалга ошириш. Жумладан: 24 000,8 км паст кучланишли электр тармоқлари ва 8 998 та трансформатор пунктларини мукамал таъмирлаш; 7 та трансформатор пунктлари, 49 429,8 км паст кучланишли электр тармоқлари ва 19 166 та трансформатор пунктларини жорий таъмирлаш. «Худудгазтаъминот» АЖ томонидан 153,6 км газ қувурларини тиклаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш. Шундан, 70,7 км газ қувурларини мукамал таъмирлаш, 82,9 км газ қувурларини реконструкция қилиш, 413 та газ тақсимлаш пунктини мукамал таъмирлаш, 81 521 та газ тақсимлаш пунктини тафтиш қилиш, 6 274,9 км қувурларни босим остида синаш ва тозалаш, 4 032 км ер ости қувурларини махсус приборлар ёрдамида текшириш ҳамда 1 488,2 км газ қувурларини бўяш ишларини амалга ошириш.	2021 йил 1 октябрга қадар	Энергетика вазирлиги («Худудгазтаъминот» АЖ, «Худудий электр тармоқлари» АЖ, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ, билан биргаликда)	А. Жуманазаров
7.	Иссиқлик электр станциялари ва марказлардаги 10 та энергоблок, 13 та қозон агрегати, 2 та турбоагрегат ва 7 та буғ-газ ва 1 та газ турбина қурилмаларида мукамал, ўрта ва жорий ҳамда гидроэлектр станциялардаги 16 та агрегатда мукамал таъмирлаш ишларини бажариш.	2021 йил 1 октябрга қадар	Энергетика вазирлиги («Иссиқлик электр станциялари» АЖ, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ билан биргаликда)	А. Жуманазаров
8.	Магистрал газ қувурларининг 88,2 км нуқсонли қисмини алмаштириш ва 117 км қисмини реконструкция қилиш, газ ҳайдаш агрегатларининг 17 тасини мукамал, 44 тасини ўрта ва 21 тасини жорий таъмирлаш.	2021 йил 1 ноябрга қадар	Энергетика вазирлиги («Ўзтрансгаз» АЖ билан биргаликда)	А. Жуманазаров
9.	Печ ва мазут ёқилғисини етарли ҳажмларда ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг истеъмолчиларга етказиб берилишини таъминлаш.	режа-жадвал асосида	«Ўзбекнефтгаз» АЖ	А. Жуманазаров
10.	«Ўзбекнефтгаз» АЖнинг бошқарма ва ташкилотлар тасарруфидаги объектларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича чора-тадбирларнинг белгиланган муддатларда бажарилишини таъминласин.	чора-тадбирлар асосида	«Ўзбекнефтгаз» АЖ	А. Жуманазаров
11.	Куз-қиш даврида қозонхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида соҳа ташкилотлари томонидан зарур суноқ ва қаттиқ ёқилғи захирасини яратиш.	2021 йил 1 ноябрга қадар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари («Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Худудгазтаъминот» АЖ, «Ўзбекқўмир» АЖ билан биргаликда)	А. Жуманазаров



12.	Электр станциялари ва электр тармоқларининг асосий технологик жиҳозларини таъмирлаш ишларини яқунлаш, электр станцияларида тасдиқланган ҳажмларга мувофиқ суюқ ва қаттиқ ёқилғи захирасини ташкил этиш.	2021 йил 1 ноябрга қадар	Энергетика вазирлиги («Иссиқлик электр станциялари» АЖ, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ, «Худудий электр тармоқлари» АЖ, «Ўзбекқўмир» АЖ билан биргаликда)	А. Жуманазаров
13.	«Ўзбекқўмир» АЖ томонидан мавжуд 96 та қўмир омборларини мавсумга тайёрлаш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.	2021 йил 1 ноябрь	«Ўзбекқўмир» АЖ	А. Жуманазаров
14.	Аҳоли, ижтимоий соҳа объектлари ва иқтисодиёт тармоқларининг қўмирга бўлган талабини тўлиқ қаноатлантириш, жумладан: аҳоли эҳтиёжлари учун 985 минг тонна, шундан 280 минг тонна импорт ҳисобига; ижтимоий соҳа ташкилотларини 450 минг тонна қўмир маҳсулотлари билан таъминлаш. Бунда, импорт қўмир маҳсулотларини аҳоли талабидан келиб чиққан ҳолда етказиб бериш.	2021 йил 1 декабрга қадар	Энергетика вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги, («Ўзбекқўмир» АЖ, билан биргаликда)	А. Жуманазаров, Ш. Абидов, Д. Холмуродов
15.	Истеъмолчиларга тасдиқланган ойлик жадвалга асосан куз-қиш мавсумида 318 600 тонна, жумладан, жорий йил октябрь — декабрь ойларида 54 700 тонна суюлтирилган газни етказиб бериш. Куз-қиш мавсумида узлуксиз электр-энергияси ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида Тошкент вилоятидаги Янги Ангрен ва Ангрен иссиқлик электр станцияларини 2 500 минг тонна захира қўмир ёқилғиси билан таъминлаш чораларини кўриш.	2021 йил 1 ноябрь	Энергетика вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари («Худудгазтаъминот» АЖ, «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Янги-Ангрен ИЭС» АЖ, «Ангрен ИЭС» АЖ билан биргаликда)»	А. Жуманазаров
16.	Шакллантирилган рўйхатлар асосида куз-қиш даврида табиий газ таъминотининг танқислиги қутилаётган туманлар, шаҳарлар ва аҳоли пунктларига тасдиқланган ойлик жадвалга асосан куз-қиш мавсумида жорий йил октябрь — 2022 йил март ойларида 318 600 тонна суюлтирилган газни кафолатланган тарзда етказиб бериш.	2021 йил 1 октябрдан 2022 йил 1 апрелга қадар	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари («Худудгазтаъминот» АЖ «Ўзбекнефтгаз» АЖ билан биргаликда)	А. Жуманазаров, Ш. Абидов

17.	Олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларда ҳамда сел келиши оқибатида йўллар талофат кўриши эҳтимоли мавжуд қишлоқларда куз-қиш мавсуми учун зарур миқдорда ёқилғи-энергетика ресурслари захирасини яратиш.	2022 йил 1 январга қадар	Энергетика вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари («Худудгазтаъминот» АЖ билан биргаликда)	А. Жуманазаров, Ш. Абидов
18.	Мудофаа вазирлиги бўлинмаларини ажратилган маблағлар ва тузилган шартномаларга мувофиқ кўмир, қурилиш ва ёқилғи-мойлаш материаллари билан ўз вақтида таъминлаш.	2021/2022 йиллар куз-қиш мавсумида	Мудофаа вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги («Ўзбеккўмир» АЖ, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Худудгазтаъминот» АЖ, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси)	А. Жуманазаров, Х. Бердибаев, Ш. Абидов
<b>III. Кўп квартирали уй-жой фондиди тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар</b>				
19.	Республиканинг шаҳар ва туманларидаги кўп квартирали уй-жой фондиди таъмирлаш ишлари бўйича ҳақиқий эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда жорий йилда молиявий аҳволи барқарор бўлган кўп квартирали уйларни бошқарувчи ташкилотлар ва уй-жой мулкдорлари ширкатларини қўллаб-қувватлаш учун тегишли манбалардан талаб этиладиган маблағларнинг аниқ миқдорларини белгилаш.	заруратга кўра	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги	Ш. Абидов, Д. Холмуродов
20.	Кўп квартирали уй-жой фондиди таъмирлаш учун қарздорлиги мавжуд бўлмаган бошқарувчи ташкилотлар ва уй-жой мулкдорлари ширкатларига зарур миқдорларда кредитлар ажратиш ҳамда кредитлардан мақсадли фойдаланиш юзасидан доимий мониторинг олиб бориш тизимини йўлга қўйиш.	2020 йил 10 октябрга қадар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари	Ш. Абидов, Д. Холмуродов

21.	<p>Республика бюджети ва маҳаллий бюджет, банк кредитлари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан 4 388 та кўп квартиралли уйларда таъмирлаш ишларини сифатли амалга ошириш.</p> <p>Жумладан: 500 633,0 минг кв.м том қисмини таъмирлаш, 3 635 та кириш йўлакларини таъмирлаш, 8 174 м<sup>2</sup> фрамуга пластик ромларни таъмирлаш, 1 490 та кодли қулфли темир эшиклар ўрнатиш, 1 929 км ички муҳандислик тармоқларни таъмирлаш, 57 585 км иссиқлик тик қувурларини таъмирлаш, 893 дона кўп квартиралли уйларни фасад қисмини, 8 692 п/м ирригация тармоқларини таъмирлаш, 344 313 минг кв.м уй олди йўлакларини бетон қопламаси билан қоплаш ишларини амалга ошириш. 1 068 дона жорий таъмирга муҳтож уйланинг 182 040 минг кв.м том қисмини жорий таъмирлаш.</p>	2021 йил 1 октябрга қадар	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари	Ш. Абидов, Д. Холмуродов
22.	Кўп квартиралли уйлар, бино ва иншоотларнинг ёнғинга қарши хавфсизлик техник меъёрларига мослиги ҳолатини текшириб, кўп квартиралли уйлардаги дудбуронларни ва шамоллатиш тизимларини таъмирлаш, изоляция қилиш ва тозалаш ишларини амалга ошириш.	2021 йил 1 октябрга қадар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари («Худудгазтаъминот» АЖ ва Фавқуллодда вазиятлар вазирлиги билан биргаликда)	Ш. Абидов, Х. Бердибаев, А. Жуманазаров
23.	Марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимига уланмаган кўп квартиралли уйларни хатловдан ўтказиш ва мавсумда ушбу уйларни иситиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	2021 йил 1 ноябрга қадар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	Ш. Абидов
24.	Марказлаштирилган иссиқлик таъминотига уланган ва ички тизимлари носоз бўлган кўп квартиралли уйларнинг носоз ички тизимларини тиклаш бўйича секторлар бўйича манзилли дастурни тасдиқлаш ва амалга ошириш.	2021 йил 1 октябрга қадар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	Ш. Абидов

25.	Истеъмолчиларни ишончли ва хавфсиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида кўп квартиралли уйларда электр энергиясидан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши ҳолатини ўрганиш ва Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳудудий бўлинмалари билан биргаликда мавжуд камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш.	2021 йил 1 октябрга қадар	Энергетика вазирлиги, «Ўзэнергоинспекция», Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	А. Жуманазаров, Ш. Абидов
<b>IV. Иссиқлик ва ичимлик сув таъминоти объектларини тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар</b>				
26.	Иссиқлик таъминоти корхоналарининг: 10 та марказий ва 18 та маҳаллий қозонхоналар, 94 та қозонлар ва 217 км иссиқлик тармоқларини мукамал таъмирлаш; 42 та марказий ва 24 та маҳаллий қозонхоналар, 836 та қозонлар ва 529,9 км иссиқлик тармоқларни жорий таъмирлаш ҳамда изоляция қилиш. Шунингдек, ёнғинга қарши жиҳозлар ва гидрантларни яроқлилик ва меъёрларга мувофиқлик юзасидан текширувдан ўтказиш ва уларнинг куз-қиш даврида ишлашга тайёрлиги тўғрисида далолатномалар расмийлаштириш. Бунда сертификатланган қозонларни қўллашга алоҳида эътибор бериш.	2021 йил 1 октябрга қадар	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, «Ўзэнергоинспекция»си	Ш. Абидов, А. Жуманазаров
27.	«Ўзсувтаъминот» АЖ томонидан 760,6 км ичимлик сув тармоқлари ва 1 314 та насос ускуналарини мавсумга тайёрлаш. Жумладан: 226,8 км ичимлик сув тармоқлари ва 454 та насос ускуналарини мукамал таъмирлаш; 533,8 км ичимлик сув тармоқлари ва 860 та насос ускуналарини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш.	2021 йил 1 октябрга қадар	«Ўзсувтаъминот» АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда	Ш. Абидов
<b>V. Ижтимоий соҳа объектларини барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар</b>				



31.	Бюджет ташкилотларининг кўмирда ишлайдиган қозонхона ва иситиш тизимларининг куз-қиш мавсумига тайёргарлиги ҳолатини ўрганиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	2021 йил 1 октябрга қадар	«Ўзэнергоинспекция», Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги	А. Жуманазаров, М. Вахобов
<b>VI. 2021/2022 йиллар қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ғамлаш бўйича чора-тадбирлар</b>				
32.	Молиявий аҳволи барқарор бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга банк кредитлари ўз вақтида ажратилиши ва уларнинг мақсадли ишлатилишини таъминлаш.	доимий равишда	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, тижорат банклари	Д. Холмуродов, Т. Рапиков
33.	Муҳтож оилаларни куз-қиш мавсуми учун зарур озиқ-овқат ва дори воситалари захиралари билан таъминлаш.	2021 йил 1 октябрга қадар	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари	М. Вахобов
<b>VII. Чора-тадбирлар бажарилишини назорат қилиш</b>				
34.	Уй-жой фонди тизимида: мавжуд лифт жиҳозлари яроқлиги ҳолатини ўрганиш ва фойдаланувчи ташкилотларга мавжуд камчиликларини бартараф этиш чораларини белгилаш; дастурдаги лифтларни алмаштириш ва таъмирлаш ишларини мониторинг қилиб бориш ва сифатли фойдаланишга топширилишини ташкил қилиш. Иссиқлик таъминоти корхоналари ва ижтимоий соҳа объектларида: мавжуд қозонхона ва қозонларнинг ҳолатини хатловдан ўтказиб, куз-қиш мавсумига тайёр ҳолатга келтирилганлигини ўрганиб чиқиш ва далолатнома асосида мавсумга ишга тушириш; дастурдаги қозонхона ва қозонларнинг таъмирлаш ҳолатларини ўрганиб бориш ва сифатли фойдаланишга топширилишини ташкил қилиш.	октябрь	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси	А. Жуманазаров

35.	Электр тармоқлари ва трансформатор пунктларини модернизация ва реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш йўналишида дастур асосида амалга оширилаётган ишларнинг мониторингини юритиш ва сифатли фойдаланишга топширилишини ташкил қилиш. Электр энергия таъминотидаги юқори юклама жараёнларида аҳолига бир маромда электр энергияси етказиб берилишини қатъий назоратга олиш. Етказиб берилаётган кўмир маҳсулотларининг сифати ва уларнинг белгиланган талабларга жавоб беришини доимий мониторинг қилиш;. Кўмир омборларида, ижтимоий соҳа объектларида кўмир маҳсулотини сақлаш ишларининг белгиланган нормалар асосида амалга оширилиши ҳолатини доимий ўрганиб бориш.	сентябрь-октябрь  мавсум давомида  мавсум давомида	Ўзэнергоинспекция	А. Жуманазаров
